
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИГА 2021 ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ 9 ОЙИДА 342 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ЗИЁД ТЎҒРИДАН ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ЭТИЛДИ. ЙИЛ ЯКУНИДА БУ РАҚАМ 510 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ОШАДИ

Фарғона вилоятида 2021 йил январь-сентябрь ойларида 303 та корхонада жами 342,2 млн доллар тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Шундан ҳудудий лойиҳалар ҳисобига 306,5 млн доллар ва тармоқ корхоналари ҳисобига 35,7 млн доллар тўғри келади.

Ўзлаштирилган инвестицияларнинг 92 фоизи асосий капиталга киритилган инвестиция ҳисобланади.

Жорий йил якунига қадар жами 361 та корхонада 510 млн. доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилиши кутилмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-10-12 20:22:17